

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2025 йил декабрь ойининг 1 куни, жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья М.А.Ҳайитов, судья ёрдамчиси Х.Ризақуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Нурота туман прокурори ёрдамчиси Ж.Рахимкулов, судланувчи И.Неъматов ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Рашидов, судланувчи Ҳ.Ҳамроев ва унинг ҳимоячиси адвокат Ф.Давронов иштирокида, Неъматов Иззатжон Нурмухаммад ўғли ва Ҳамроев Ҳайитмурод Исматуллоевичга нисбатан 1-2107-2501/174-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

1. Неъматов Иззатжон Нурмухаммад ўғли (Ne'matov Izzatjon Nurmuhammad o'g'li) – 1993 йил 7 май куни Пахтачи туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, Ўзбекистон фуқароси, “Ўзбектелеком” АКда электромонтёр бўлиб ишлайди, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти Пахтачи тумани “Қўшҳовуз” МФЙ, “Фарғона” кўчаси 7а-уйда яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 6 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми ва 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

2. Ҳамроев Ҳайитмурод Исматуллоевич (Hamroyev Hayitmurod Ismatulloevich) – 1996 йил 19 февраль куни Нурота туманида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, Ўзбекистон фуқароси, “Ўзбектелеком” АКда электромонтёр бўлиб ишлайди, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Навоий вилояти Нурота тумани “Миришкор” МФЙ, С.Ҳамроев кўчаси 85-уйда яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 6 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни суд мажлисида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчилар И.Неъматов ва Ҳ.Ҳамроев бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, 2025 йил 30 июнь куни соат 23:30да Нурота тумани “Дехибаланд” МФЙ ҳудудида жойлашган “Караван” номли дам олиш масканида озгинадан кўпроқ миқдордаги 2,55 грамм “Спички” номли гугурт қутига жойлаштирилган марихуана гиёҳвандлик воситаларини шартли харидор Л.Қурбоновага 1.200.000 сўм эвазига қонунга хилоф равишда сотишган.

Судланувчи И.Неъматов судда айбига қисман иқроор бўлиб, Ҳ.Ҳамроевни бир йилдан буён таниши, у бирга ишлаши, 2025 йил 28 июнь куни Ҳ.Ҳамроев унга телефон қилиб, Лобар исмли таниши борлигини, у яқинда Туркия давлатидан келганлигини, унга наша гиёҳвандлик воситаси кераклигини, сотиб олмоқчи эканини айтиб, ушбу гиёҳвандлик воситасини топиб беришини илтимос қилгани, у Ҳ.Ҳамроевга дастлаб унда гиёҳвандлик воситаси мавжуд эмаслигини, топиб бера олмаслигини айтгани, эртаси куни Ҳ.Ҳамроев билан ишда кўришгани, у яна марихуана гиёҳвандлик воситасини топиб беришини сўрагани, шундан сўнг, кейинчалик унга таниш бўлган Л.Қурбонова ундан ушбу гиёҳвандлик воситасини сотиб олишини айтганида, у бу масалада Ҳ.Ҳамроев билан гаплашишини айтгани, шундан сўнг, оилавий шароити оғирлиги сабабли бир неча йил аввал таниши Тоштемирдан 200.000 сўмга сотиб олиб, ўзида сақлаб келаётган марихуана гиёҳвандлик воситасини сотмоқчи бўлгани, шундан сўнг, Ҳ.Ҳамроевга бир гугурт қути марихуана гиёҳвандлик воситаси борлигини, уни 1.200.000 сўмга сотишини айтгани, Ҳ.Ҳамроев эса Л.Қурбоновага бу ҳақда айтиб кўришини маълум қилгани, шундан сўнг, шу куни ишдан чиқиб, Пахтачи туманидаги яшаш хонадонига кетгани, соат 19:30да унга Ҳ.Ҳамроев кўнғироқ қилиб, уни Л.Қурбонова билан телефонда конференция алоқага улаб бергани, шунда у Л.Қурбонова билан телефонда гаплашиб, марихуана гиёҳвандлик воситаси борлигини айтгани, у эса марихуана гиёҳвандлик воситаси бўлса, сотиб олишни, жуда зарурлигини айтгани, шундан сўнг, у билан ўзаро савдолашиб, Л.Қурбоновага бир гугурт қутига солинган марихуана гиёҳвандлик воситасини 1.200.000 сўмга сотишга келишгани, 2025 йил 30 июнь куни Л.Қурбонова унга кўнғироқ қилиб, сотиб олмоқчи бўлган марихуана гиёҳвандлик воситалари пулларини пластик картасига ташлаб беришини айтгани, у эса унга турмуш ўртоғи М.Мардонова номидаги банк пластик картасининг рақамларини телефон орқали унга айтиб тургани, Л.Қурбонова бир неча дақиқадан сўнг унга 1.200.000 сўм миқдоридаги маблағларни ўтказиб бергани, шундан сўнг, Л.Қурбонова унга кеч вақти Нурота туманида кўришиб гаплашишини айтгани, 2025 йил 30 июнь куни соат 19:00да унга Ҳ.Ҳамроев ва Л.Қурбонова кўнғироқ қилиб, Нурота туманига келишганлигини маълум қилишгани, сўнг у яшаш хонадонидан бир дона гугурт қутини полиэтилен пакетга солиб, Нурота туманига келиб, Ҳ.Ҳамроев билан гаплашганида, улар Нурота туманидаги “Эрмат жиз” номли чойхонада ўтиришганлигини маълум қилишгани, сўнг у ҳам у ерга улар ёнига боргани,



чойхонада улар билан бирга унга кейинчалик таниш бўлган М.Жабборова ҳам бўлгани, Л.Қурбонова ундан гиёҳвандлик воситасини олиб келганини сўрагани, унга гиёҳвандлик воситаси ёнида эканлигини айтгани, шунда улар Л.Қурбонова Нурота тумани “Дехибаланд” МФЙдаги дам олиш масканига боришини, у ерда дам олиб, сўнг уларни Навоий шаҳрига олиб бориб кўйишини айтгани, шундан сўнг, улар билан бирга бошқарувидаги автомашинада Нурота тумани “Дехибаланд” МФЙдаги “Караван” номли дам олиш масканига боришгани, Л.Қурбонова унга гиёҳвандлик воситасини беришини сўраганида, унга эғнидаги кийим чўнтагидаги бир дона оқ рангли полиэтилен пакетга солинган гугурт қутиси ичдаги гиёҳвандлик воситаларини бергани, Л.Қурбонова эса ушбу гугурт қутини олиб, ичини очиб, сумкасига солиб қўйгани, сўнг дам олиш масканига кириб, у ердан алоҳида хонани буюрма қилиб олиб, у ерга ўтиришгани, улар билан бироз гаплашиб ўтиришгани, шунда у хожатхонасига киргани, шу вақтда бир нечта фуқаролик кийимидаги ИИБ ходимлари келишиб, тезкор тадбир ўтказилганини маълум қилишгани, шундан сўнг, ИИБ ходимлари стол остидаги гилам остида турган гугурт қутига жойлаштирилган марихуана гиёҳвандлик воситаларини кўздан кечиришиб, расмийлаштириб олишгани, ушбу гиёҳвандлик воситаси ўз истеъмоли учун сақлаб келаётган бўлгани, пул зарур бўлиб қолганлиги учун ва таниши Ҳ.Ҳамроев ундан сотишни сўрагани учун ушбу гиёҳвандлик воситаларини Л.Қурбоновага ўтказгани, унга таниши Ҳ.Ҳамроев ва Л.Қурбонова гиёҳвандлик воситаларини топиб бериш ҳақида бир неча марта айтгани учун ҳамда унга пул маблағлари зарур бўлиб қолгани сабабли бир неча йил аввал мархум Т.Исматовдан сотиб олган 2,55 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаларини Л.Қурбоновага сотгани, ушбу гиёҳвандлик воситаларини аслида ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётган бўлгани, шу сабабли унинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми ва 273-моддаси 3-қисми “б” бандини чиқариб ташлаб унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиш ҳақида кўрсатув бериб, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи Ҳ.Ҳамроев судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, “Ўзбектелеком” АК Нурота туманида электромонтёр бўлиб ишлаши, И.Неъматовни бир йилдан буён таниши, у билан бирга ишлаб келаётгани, унга ўзини “Гўзал” деб таништирган кейинчалик билишича асл исм, фамилияси М.Жабборова билан бир неча йилдан буён танишлиги, у билан тез-тез кўришиб, телеграм ижтимоий тармоғи орқали гаплашиб тургани, 2025 йил 28 июнь куни соат 16:30да М.Жабборова унга қўнғироқ қилиб, дугонасига марихуана гиёҳвандлик воситаси кераклигини, дугонаси билан гаплашишини айтиб, кейинчалик унга таниш бўлган дугонаси Л.Қурбонова билан телефон орқали конференция алоқага улаб бергани, Л.Қурбонова унга марихуана гиёҳвандлик воситаси кераклигини айтгани, унга унда гиёҳвандлик воситаси йўқлигини айтгани, шунда у танишларидан сўраб кўришини айтгани, эртаси куни Л.Қурбонова унга телефон қилиб, яна гиёҳвандлик воситаси топиб беришини айтгани, унга танишларидан сўраб



кўриб жавобини айтишини маълум қилгани, сўнг ҳамкасби И.Неъматовга телефон қилиб, унга марихуана гиёҳвандлик воситаси кераклигини, таниши сотиб олмоқчи эканини айтгани, И.Неъматов эса унга гиёҳвандлик воситаси йўқлигини айтгани, 2025 йил 29 июнь куни И.Неъматов билан телефон орқали гаплашганида, у бир гугурт қути марихуана гиёҳвандлик воситаси борлигини, гиёҳвандлик воситаларини 1.200.000 сўмга сотишини айтгани, шундан сўнг, Л.Қурбоновага телефон қилиб, таниши бир гугурт қути марихуана гиёҳвандлик воситаси топганлигини, уни 1.200.000 сўмга сотишини айтгани, шунда Л.Қурбонова унга гиёҳвандлик воситалари нархини камайтиришини сўрагани, у эса унга таниши И.Неъматов билан гаплашиб олишини айтиб, ўзига тегишли телефон аппаратидан унга қўнғироқ қилиб, конференция алоқа орқали Л.Қурбонова ва И.Неъматовни гаплаштиргани, шунда улар ўзаро гаплашиб олиб, Л.Қурбонова бир гугурт қути гиёҳвандлик воситаларини 1.200.000 сўмга сотиб олишга келишгани, 2025 йил 30 июнь куни И.Неъматов билан ишда кўришиб гаплашганда, И.Неъматов унга Л.Қурбонова унга бир гугурт қути микдоридаги марихуана гиёҳвандлик воситалари учун 1.200.000 сўм микдоридаги маблағларни банк пластик картасига ташлаб берганлигини, нашани олиш учун Нурота туманига келишини айтганини маълум қилгани, сўнг шу куни соат 19:30да унга таниши М.Жабборова қўнғироқ қилиб, Л.Қурбонова билан бирга Нурота туманига келганлигини, кўришиб гаплашиб олишини маълум қилгани, сўнг у И.Неъматовга қўнғироқ қилиб, Л.Қурбонова ва М.Жабборова Нурота туманига келганлигини, Нурота туманидаги “Эрмат жиз” номли чойхонага гиёҳвандлик воситаларини олиб келишини айтиб, ўзи ошхонага боргани, у ерга борганида ошхонада Л.Қурбонова ва М.Жабборова бўлгани, улар билан овқатланиб, бироз спиртли ичимлик истеъмол қилгани, орадан икки соат ўтгандан сўнг, уларнинг олдида таниши И.Неъматов ҳам келгани, у ўша куни Пахтачи туманидаги яшаш хонадонига кетган бўлгани, сўнг Л.Қурбонова ва М.Жабборова ундан гиёҳвандлик воситаси ҳақида сўраганида, И.Неъматов гиёҳвандлик воситасини ўзи билан бирга олиб келганлигини айтгани, шундан сўнг, Л.Қурбонова ва М.Жабборова билан Нурота тумани “Деҳибаланд” МФЙдаги дам олиш масканига бориб, у ерда дам олишга келишишиб, И.Неъматов бошқарувидаги “Матиз” русумли автомашинада у ерга боришгани, дам олиш масканига киришдан аввал И.Неъматов ўзида бўлган бир дона оқ рангли полиэтилен пакетга солинган гугурт қутиси ичдаги гиёҳвандлик воситаларини Л.Қурбоновага бергани, Л.Қурбонова эса ушбу гугурт қутини олиб, ичини очиб, сумкасига солиб қўйгани, сўнг дам олиш масканига кириб, у ердан бир хонани буюртма қилиб, бироз гаплашиб ўтирган вақтида Л.Қурбонова ўрнидан туриб, сумкасидан таниша И.Неъматов унга берган бир дона гугурт қутига солинган гиёҳвандлик воситаларини олиб, стол устига қўйиб, ўзи ҳожатхонага бориш учун хонадан чиққани, шунда ушбу хонага бир нечта фуқаролик кийимидаги ИИБ ходимлари келишиб тезкор тадбир ўтказилганини маълум қилишгани, сўнг стол устида турган гугурт қутидаги марихуана гиёҳвандлик воситаларини олиб, кўздан кечиришиб, расмийлаштириб олишгани, у аввалдан таниши



И.Неъматовда гиёҳвандлик воситалари мавжудлигини билмагани, у билан яқиндан танишлиги сабабли, ундан гиёҳвандлик воситалари ҳақида сўраб кўрганида, И.Неъматов бир гугурт қути гиёҳвандлик воситалари борлигини ва уларни сотишини айтгани учун кейинчалик бу ҳақида Л.Қурбонова ва М.Жабборовога айтгани, И.Неъматов ушбу гиёҳвандлик воситаларини қаердан олганлигини билмаслиги, И.Неъматов ушбу гиёҳвандлик воситаларини Л.Қурбоновага 1.200.000 сўм эвазига сотгани учун у И.Неъматов, Л.Қурбонова ёки М.Жабборовадан ҳеч қандай моддий манфаатдор бўлмагани, қилмишидан пушаймонлигини маълум қилиб, суддан енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчилар И.Неъматов ва Ҳ.Ҳамроевнинг айби судланувчи И.Неъматовнинг айбига қисман иқрор бўлиб ҳамда судланувчи Ҳ.Ҳамроевнинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жиноят иши бўйича тўпланган ва суд мажлисида текширилган далиллар, жумладан:

- гувоҳ М.Жабборованинг суддаги, Ҳ.Ҳамроевни бир неча ойдан бери таниши, у билан телефон орқали гаплашиб келгани, Ҳ.Ҳамроевга ўзини исмини Гўзал деб таништиргани, 2025 йил 28 июнь куни Ҳ.Ҳамроев билан телефонда гаплашиб турганида ёнида дугонаси Л.Қурбонова ҳам бўлгани, шунда Л.Қурбонова унга Ҳ.Ҳамроевдан гиёҳвандлик воситаси бор-йўқлигини сўраб беришини айтгани, у эса Ҳ.Ҳамроевдан гиёҳвандлик воситалари ҳақида сўраганида, Ҳ.Ҳамроев унга гиёҳвандлик воситалари борлигини, дугонаси Л.Қурбонова билан Нурота туманига борса, уларга марихуана гиёҳвандлик воситалари беришини айтгани, шунда у бу ҳақда дугонаси Л.Қурбоновага айтгани, Ҳ.Ҳамроев билан Л.Қурбоновани конференция алоқага улаб бергани, шунда Ҳ.Ҳамроев ва Л.Қурбонова гиёҳвандлик воситалари ҳақида гаплашишгани, Ҳ.Ҳамроев унга марихуана гиёҳвандлик воситасини топиб беришини айтгани, сўнг у ва Л.Қурбонова бу иш ноқонуний эканлигини билиб, ариза билан Нурота тумани ИИБга мурожаат қилишгани, шундан сўнг аризага мувофиқ тезкор-тадбир амалга ошириш белгилангани, шундан сўнг Ҳ.Ҳамроевнинг таниши И.Неъматов ҳам бу ишга аралашгани, Ҳ.Ҳамроев таниши И.Неъматовда гиёҳвандлик воситаси борлигини айтиб, И.Неъматов ва Л.Қурбоновани ўзаро гаплаштиргани, И.Неъматов Л.Қурбоновага бир гугурт қути марихуана гиёҳвандлик воситасини 1.200.000 сўмга сотишини айтиб, ўзаро келишиб олишгани, шундан сўнг, 2025 йил 30 июнь куни Л.Қурбонова И.Неъматов билан телефонда гаплашиб, унга 1.200.000 сўм миқдоридаги маблағларни пул ўтказиш йўли билан у айтган пластик карта рақамига кўчириб берганидан сўнг у ва дугонаси Л.Қурбонова Нурота туманига “Эрмат жиз” номли ошхонага келишгани, бир оздан сўнг, ёнига Ҳ.Ҳамроев ҳам келгани, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг И.Неъматов ҳам келгани, шундан сўнг, Нурота тумани “Деҳибаланд” МФЙдаги “Караван” номли саунага бориб, у ерда дам олишга келишишгани, шундан сўнг И.Неъматов бошқарувидаги “Матиз” русумли автомашинада “Караван” номли дам олиш масканига боришгани, автомашинадан тушаётганда Л.Қурбонова И.Неъматовдан гиёҳвандлик



воситаси бор ёки йўқлигини сўраганида, И.Неъматов эғнидаги кийим чўнтагидан бир дона гугурт қутига жойлаштирилган гиёҳвандлик воситаларини Л.Қурбоновага бергани, у эса гугурт қутидаги гиёҳвандлик воситаларини И.Неъматовдан олиб, сумкасига солиб қўйгани, шундан сўнг, автомашинадан тушиб, дам олиш масканига киришгани, Л.Қурбонова сумкасидан гугурт қутига солинган гиёҳвандлик воситаларини чиқариб, стол устига қўйиб, ИИБ ходимларига тегишли ишорани бергани, шундан сўнг, ИИБ ходимлари хонага кириб келиб, бир дона гугурт қутидаги гиёҳвандлик воситаларини расмийлаштириб олишганини маълум қилиб берган кўрсатуви;

- тарафлар розилиги билан кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Л.Қурбонованинг дастлабки терговдаги гувоҳ М.Жабборованинг кўрсатувларига мазмунан ўхшаш кўрсатувлари;

- судланувчининг яқин қариндоши бўлгани сабабли ўзининг розилиги билан сўроқ қилинган гувоҳ М.Мардонованинг суддаги, И.Неъматов турмуш ўртоғи экани, 2025 йил март ойида “Агро банк” Навоий шаҳар филиалидан Хумо банк пластик картасини номимга расмийлаштириб олгани, ушбу картани кундалик харажатлари учун пул маблағларини сақлаш мақсадида ишлатиб келгани, ушбу пластик картасини турмуш ўртоғи И.Неъматовга бергани, И.Неъматов томонидан ушбу пластик картага қачон ва ким томонидан пул маблағлари тушганлигини, ушбу пуллар кимга тегишли эканлигини билмаслиги, бу ҳақда турмуш ўртоғи И.Неъматов унга ҳеч нарса айтмагани, унга тегишли пластик картадан турмуш ўртоғи И.Неъматов фойдаланиб келганини маълум қилиб берган кўрсатуви;

- шунингдек, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси (жиноят иши 5-варағи), тезкор-қидирув тадбири учун пул маблағлари ва сўзлашувлар ёзиб олиш учун овоз ёзиш мосламасини бериш баённомаси (жиноят иши 6-7-варақлар), 2025 йил 7 июлдаги 572-сонли суд-кимёвий экспертизаси хулосаси (жиноят иши 26-28-варақлар), нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган хужжатлар (жиноят иши 75-80-варақлар), ашёвий далиллар ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Суд, гарчанд судланувчи И.Неъматовнинг айбига қисман иқрор бўлиб, унга таниши Ҳ.Ҳамроев ва Л.Қурбонова гиёҳвандлик воситаларини топиб бериш ҳақида бир неча марта айтгани учун ҳамда унга пул маблағлари зарур бўлиб қолгани сабабли бир неча йил аввал марҳум Т.Исмамовдан сотиб олган 2,55 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаларини Л.Қурбоновага сотгани, ушбу гиёҳвандлик воситаларини аслида ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётгани бўлгани, шу сабабли унинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми ва 273-моддаси 3-қисми “б” бандини чиқариб ташлаб унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиш ҳақидаги вазлари ва кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича ҳуқуқий баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб



чиқиб, судланувчи И.Неъматовнинг ушбу важларини асоссиз, ўзи томонидан содир этган жинояти учун муқаррар бўлган жавобгарликдан қутулиб қолиш ва уни инкор этиш ҳамда жазони енгиллаштириш мақсадида қилинган саъй-ҳаракатлар сифатида баҳолади ва унинг мазкур важларини қуйидаги объектив далиллар мажмуи билан:

- гувоҳлар М.Жабборова, Л.Қурбонова, М.Мардонованинг кўрсатувлари;

- нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси;
- тезкор-қидирув тадбири учун пул маблағлари ва сўзлашувлар ёзиб олиш учун овоз ёзиш мосламасини бериш баённомаси;

- суд-кимёвий экспертизаси хулосаси;
- нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, ашёвий далиллар ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тўлиқ рад қилинади.

Суд, судланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Ҳамроевнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва судланувчи И.Неъматовнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддасининг 2-қисми ва 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблаб, ЖКнинг 33-моддасига қоидаларига мувофиқ жазо тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”-деб;

3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади.”-деб;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида



назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” – деб, тушунтириш берилган.

1.Суд, судланувчи И.Неъматовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”- деб кўрсатилган қонун талабларига риоя қилиб, унинг айбига қисман иқрорлиги, қилмишига пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни мавжуд эмас деб ҳисоблаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, И.Неъматовнинг шахсини, олинган гиёҳвандлик воситаси тури ва миқдорини инобатга олиб ҳамда уни айбига қисман иқрорлиги, қилмишига пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлигини ва бу ҳолатларни уни содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ва айни вақтда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олган ҳолда унинг хулқини ва ахлоқан тузалиши учун енгилроқ чораларни қўллаш орқали



эришиб бўлмайди деган хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, қонун санкциясида белгилангандан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияда ўташни белгилашни, жазони ўташ муддатини мазкур жиноят иши юзасидан қамоқ қўлланилган кундан бошлаб ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини бекор қилиб, уни дарҳол суд залида қамоққа олишни, гаров пулини судланувчининг яқин қариндошларидан бирига қайтаришни лозим деб топади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида Республика ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти минтақавий филиалининг 2025 йил 11 июлдаги 295-сонли хулосасига кўра, И.Неъматовни гиёҳвандлик воситаларига қарамлик билан оғримаслиги, мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилгани сабабли унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўлламасликни лозим деб топади.

2. Судланувчи Ҳ.Ҳамроевга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”- деб кўрсатилган қонун талабларига риоя қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишига пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни мавжуд эмас деб ҳисоблаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, Ҳ.Ҳамроевнинг шахсини, олинган гиёҳвандлик воситаси тури ва миқдорини инобатга олиб ҳамда уни айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишига пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлигини ва бу ҳолатларни уни содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ва айни вақтда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олган ҳолда унга унинг хулқини ва ахлоқан тузалиши учун енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайди деган хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида белгилангандан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияда ўташни белгилашни, жазони ўташ муддатини мазкур жиноят иши



юзасидан камоқ қўлланилган кундан бошлаб ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини бекор қилиб, уни дарҳол суд залида камоққа олишни, гаров пулини судланувчининг яқин қариндошларидан бирига қайтаришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида Республика ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти минтақавий филиалининг 2025 йил 7 ноябрдаги 520-сонли хулосасига кўра, Ҳ.Ҳамроевни гиёҳвандлик воситаларига қарамлик билан оғримаслиги, мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилгани сабабли унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўлламасликни лозим деб топади.

Шунингдек, суд, жиноят иши бўйича ашёвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, ДХХ Навоий вилояти бошқармасида 000101-сонли квитанция асосида сақланаётган 2,51 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаларини белгиланган тартибда йўқ қилишни, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда 1 дона дискни жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлигини инобатга олишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

1. Неъматов Иззатжон Нурмухаммад ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

И.Неъматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 1 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

И.Неъматовга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залида камоққа олинсин.

Навоий вилояти ИИБ депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 10.000.000 сўм гаров пули И.Неъматовнинг яқин қариндошларидан бирига қайтарилсин.

2. Ҳамроев Ҳайитмурод Исматуллоевич Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

Ҳ.Ҳамроевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 1 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.



Ҳ.Ҳамроевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залида қамоққа олинсин.

Навоий вилояти ИИБ депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 10.000.000 сўм гаров пули Ҳ.Ҳамроевнинг яқин қариндошларидан бирига қайтарилсин.

Ашёвий далил ДХХ Навоий вилояти бошқармасида 000101-сонли қвитанция асосида сақланаётган 2,51 грамм марихуана гиёҳвандлик воситалари белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда 1 дона диск жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича кассация инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

М.Ҳайитов



Маъсул судья: Хайитов Мирзохид Акрамович



Ҳужжат имзоланган: Хайитов Мирзохид Акрамович, 02.12.2025

